


Санобар Жуманова

*Креатив
фикрлаш*



Санобар Базарбаевна Жуманова

Креатив фикрлаш

http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=56996841

ISBN 9785005116369

Аннотация

Ушбу китоб креативлик тушунчаси, креатив фикрлаш шакллари ва кўринишлари, илм-фан, амалиётда юзага келаётган инновацияларнинг ахамияти, ижодий соҳаларда янгиликка интилиш, ноодатий ёндашув, ностандарт ечимларнинг зарурати, фикрлашдаги мантиқий ва интуитив уйғунлик, стереотип ва шаблонлар, улардан воз кечиш каби масалаларни қамраб олади. Фикрлашда қолиплардан чиқиш, эркинликка интилиш, ҳар бир масала ва муаммога ижодкорона ёндашув, ижодда оригиналликни таъминлашга оид масалалар акс этган.

Креатив фикрлаш

Санобар Базарбаевна Жуманова

© Санобар Базарбаевна Жуманова, 2020

ISBN 978-5-0051-1636-9

Создано в интеллектуальной издательской системе Ridero

КРЕАТИВЛИКНИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИШ

МУМКИН?

Бугун дунёда юз бераётган тўртинчи саноат тамаддуни-нинг двигатели – ҳаракатга келтирувчи кучи бу креативлик. Атрофга боқсангиз ҳар томонда инсон ижодкорлигининг бекиёс ва хайратланарли намуналарига дуч келасиз: электрон хизматлар, виртуал реаллик, тўртбурчакли тарвузлар, тупроксиз ҳосил олиш... Буларнинг барчаси инсон тасавури, тафаккури маҳсули. Бугун биз учун одатийлик касб этаётган китоб, мусиқа, бино, самолёт, ҳатто лампалар ҳам қачонлар орзу ва тасавурда бўлгани, ақл-идрок самараси ўлароқ яратилган. Ғилдиракнинг кашф этилишидан бошланган яратувчанлик намуналари бугун коинотда кезиб юрибди. Инновациялар кундалик турмушимизда қулайли-

қлар яратади, оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилади. Шу тарзда креативлик тараққиётнинг ажралмас бўлагига айланган. Ҳар бир соҳада ижодий фикрловчи мутахассисларга талаб катта. Олим, муҳандис, профессор-ўқитувчи, шоир, ёзувчи, рассом, актёр, меъмор, муҳаррир, дизайнерларгина эмас, ҳатто бажарувчиликка асосланган кичик мутахассисларга ҳам ижодкорлик зарурати сезилади. Дунёга машҳур дастурий маҳсулотлар, мобиль телефонлар ишлаб чиқариш компаниялар мутахассисларидан ҳар куни янги ғоя сўралади. Меҳнат бозорида креатив фикрловчи мутахассисларга талаб ошиб бораётган экан, таълим жараёнида ўқувчи-талабаларнинг мазкур қобилиятини шакллантириш, ривожлантириш долзарб вазифадир. Ҳалигача таълим тизимида кўплаб ёндашув ва методлар ижодий фикрлаш эмас, талқин ва таҳлилга, яъни берилган маълумотни тўғри тушуниб, тўғри етказиб бера олишга, нари борса, берилган бир неча ахборотларни умумийлаштириб, хулоса чиқара олишга йўналтирилган.

Хўш, таҳсил олувчиларни ихтиро, кашфиётлар амалга ошириш учун қандай қилиб креатив фикрлашга ўргатиш мумкин? Инновация яратиш учун тафаккурда қандай ўзгаришлар кечиши лозим?

Тасаввур билимдан муҳим (ми)!?

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш учун дастлаб «креативлик» тушунчасининг мазмунини аниқлаш талаб этилади. Креативлик сўзи инглизча «create»дан олин-

ган бўлиб, яратиш маъносини беради. Креативлик деганда инсоннинг янгилик яратиш, муаммоларни ечишга қаратилган ижодий қобилияти тушунилади. Унинг таг замирида оригиналлик, амалийлик, ноодатийлик ва эркинлик ётади. Шунингдек, креатив фикрлаш муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш, бир нуқтага турли ракурсдан қарай олишни англатади.

Креативлик шахсни ривожлантирувчи категория сифатида инсон тафаккури, маънавиятининг ажралмас қисми ҳисобланади, у шахс эга бўлган билимларнинг кўпқиррали эканлигида эмас, балки янги ғояларга интилишда ва ўрнатилган стереотипларни ислоҳ қилиш ва ўзгартиришда, ҳаётий муаммоларни ечиш жараёнида кутилмаган ва ноодатий қарорлар чиқаришда намоён бўлади. Яъни берилган билимларни такрорлаш орқали креативликка эришиб бўлмайди, ижодий фикрлаш жараёнида янги фикр, янги ғоянинг пайдо бўлиши асосий шартдир. Масалан, инглиз тилида сўзларни ёдлаб, грамматик қоидаларни «сув қилиб ичиб» юборган бўлсангиз ҳам, иншо ярата олмасангиз, барчаси самарасиздир. Шунинг учун креатив фикрлаш жараёнида тасаввур муҳим роль ўйнайди. Альберт Эйнштейн «тасаввур билимдан муҳим» деганида айнан мана шу жиҳатни назарда тутган. Кўпинча ноодатий фикрлар, ечимлар кутилмаганда инсон ҳаёлига келади. Бунинг учун аввало инсон фикрлаш жараёнидаги бир хилликка, одатийликка барҳам берилиши лозим.

Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.